



БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИДАН БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАРНИ БЕРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Азимова Л.С.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: Ушбу мақолада божхона органларида божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларни бериш ва назорат қилишни такомиллаштириш йўллари асослаб берилган. Шунингдек, божхона органларида божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларни беришда бир қанча муаммолар мавжудлиги ўрганилиб, уларни бартараф қилиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Божхона органлари, божхона тўловлари, имтиёзлар, назорат, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий эркинлаштириш, инвестициялар, товар, преференциялар, эксклюзив ҳуқуқлар, шаффоф механизмлар, экспорт, импорт, экспертиза, лойиҳа.

WAYS TO IMPROVE GIVEN BENEFITS AND CONTROL OF CUSTOMS PAYMENTS IN CUSTOMS AUTHORITIES

Azimova L.S.

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Annotation: This article substantiates ways to improve the granting and control of benefits from customs duties in the customs authorities. It was also studied that there are a number of problems in the provision of benefits from customs duties in the customs authorities, and practical proposals and recommendations have been developed to address them.

Keywords: Customs authorities, customs duties, benefits, control, socio-economic development, economic liberalization, investment, goods, preferences, exclusive rights, transparent mechanisms, export, import, expertise, project.

1. Кириш.

Ҳозирда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодий эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг барча тоифалари учун тенг рақобат шароитларига эга бўлган ягона иқтисодий маконни шакллантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5755-сон Фармонида мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат таъминлашини жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш мақсадида бир қатор вазифалар белгиланган.

Бугунги кунда айрим хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар бериш юзасидан шаклланган амалиёт бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда (Гулямов ва бошқалар, 2016):

– муайян тармоқ ёки ҳудуддаги алоҳида ташкилотларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар аниқ мезонларсиз ҳамда уларни асословчи шаффоф механизмларсиз танлаб берилиши оқибатида мазкур ташкилотлар учун асоссиз устувор шарт-шароитлар яратилмоқда;

– кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат бошқаруви функциялари қўшиб амалга оширилмоқда, бу эса бозорда имтиёзли мақомга эга бўлиш учун маъмурий ресурслардан фойдаланишга ва инсофли рақобат принциплари бузилишига олиб келмоқда;

– индивидуал имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектларда боқимандалик кайфияти шаклланимоқда, бундай субъектларнинг ташаббускорлиги йўқ ва ишчанлик фаоллиги паст, шунингдек, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар рақобатбардош эмас;

– берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини, жумладан уларнинг муайян тармоқлар, ҳудудлар ва умуман мамлакат иқтисодиёти ривожланишига амалий таъсирини баҳолашда тизимлилик мавжуд эмас.

2. Адабиётлар шарҳи.

Гулямов ва бошқалар (2016) томонидан тайёрланган ўқув-услубий қўлланмада айрим хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар бериш юзасидан шаклланиган амалиёт баъзи жиддий муаммоларни келтириб чиқараётганлиги таъкидланган.

Пардаев, Шадманкуловлар (2017) ўзларининг дарсликларидида божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришдаги камчиликларни батафсил ёритиб беришган.

Турдиев (2014) томонидан тайёрланган амалий қўлланмада масъул органлар томонидан божхона тўловларини ҳисоблашда аҳамиятли бўлган хулосаларнинг қоғоз шаклда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланган.

Пардаев ва боқшалар (2016) томонидан тайёрланган дарсликда божхона қийматини ҳисоблаш усуллари келтирилган.

Тадқиқотчи Рудакова (2015) ўзининг илмий изланишларида импорт божхона божи ва акциз солиғи ставкалари бўйича фикрлар билдирган.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда, аввало, божхона органларида божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларни бериш ва назорат қилишни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этилди. Шунингдек, бугунги кунда айрим хўжалик юритувчи субъектларга имтиёзлар, преференциялар ва эксклюзив ҳуқуқлар бериш юзасидан шаклланиган амалиёт каби қатор жиддий муаммолар ўрганилиб, божхона тўловларини ундириш, уларни қўлланилишини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга уринилди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майда “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон Қарори қабул қилинди.

Унга асосан, имтиёзлар беришга, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатларини тасдиқлашга доир ҳукумат ва идоравий қарорларни қабул қилиш тақиқланди;

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатлари ва уларга тузатишлар, имтиёзлар бериш тўғрисида қонун ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжати мавжуд бўлган тақдирдагина, имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади, шунингдек, уларнинг комплекс экспертизасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасига киритилади;

Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг ижобий хулосаси олинган тақдирда,

ташкilot рўйхатда кўрсатилган товарларни белгиланган тартибда импорт қилиш ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги берилган имтиёзларни муддатидан олдин тугатиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ушбу ҳужжатда, экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига сўралаётган имтиёзлар бўйича асослантириш ва тегишли ҳисоб-китоблар мажбурий тартибда илова қилинади, уларда лойиҳанинг мақсади, амалга ошириш муддати, киритилаётган инвестиция ва экспорт ҳажми, янгидан ташкил этиладиган иш ўринлари сони, яратилаётган ёки жорий этилаётган инновацион маҳсулот, технологик янгиликлар, прогрессив илмий изланишларнинг аниқ натижалари, ишлаб чиқариш, ишлар (хизматлар, солиқ тушумлари, имтиёзларнинг ҳисобланган суммаси ва бошқалар) ҳажмининг ўсиши кўрсатилади. Жумладан:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан истиқболли ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, имтиёзлар ва преференцияларнинг алоҳида тармоқлар, фаолият соҳалари ва ҳудудларга таъсири;

- берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг бюджет ва жамият учун самарадорлиги;

- уларнинг рақобат муҳитига ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш кўриб чиқилади.

Бугунги кунда, божхона органларида божхона тўловларидан бериладиган имтиёзлар беришда бир қанча муаммолар мавжуд. Божхона тўловларидан имтиёзли товарлар рўйхати "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг ижобий ҳулосаси асосида расмийлаштирилади.

Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йилда Жиззах вилоятида фаолият кўрсатувчи ва "Жиззах" Эркин иқтисодий зоналар иштирокчиси бўлган "Luxury Furniture Business" МЧЖ номига олиб келинган товарларига ижобий ҳулосалар асосида имтиёзлар қўлланилганда 300 тоннага тенг "термопленка" товари Божхона юк декларациясида 364 тоннага ҳамда 100 тоннага тенг миқдоридаги "страз" товари Божхона юк декларациясида 121 тонна миқдорида расмийлаштирилганлиги аниқланиб, ўз навбатида бу ҳолатларда мос равишда 1,3 млрд. сўмлик ва 145,2 млн. сўмлик божхона тўловларидан нотўғри имтиёз қўлланилганлиги маълум бўлган.

Рақамли иқтисодиётга масъул орган томонидан божхона тўловларини ҳисблашда аҳамиятли бўлган ҳулосаларнинг қоғоз шаклда тақдим этилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини, ушбу ҳулосаларни электрон шакллантириш ва ушбу ҳулосалар божхона органларига ЛБМА томонидан электрон тақдим этилиши ва Божхона юк декларациясининг тегишли 31, 33, 38, 41-графаларига интеграция қилиниши орқали инсон омили иштирокисиз мантиқий назорат қўлланилишига имкон яратади.

Бу ўз навбатида яшил йўлакдаги Божхона юк декларацияларининг автоматик расмийлаштирувида имтиёзларни назорат қилиш имконини беради.

Яна бир мисол, ТИФ ТН коди 8418690009 бўлган "Оборудование холодильные или морозильное прочее" товари учун импорт божи ва Қўшилган қиймат солиғидан имтиёз белгиланган. Лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли Қарорида 2019 йил 1 январдан бошлаб, 8418690009 позицияси учун акциз солиғи ставкаси 10 % миқдорида белгиланган. Ходим томонидан расмийлаштирув мобайнида имтиёзли товарларнинг расмийлаштируви анча соддароқ амалга оширилади. Шу билан бирга, бу товар ҳам халқ истеъмолида ҳам тадбиркорлик фаолиятида кенг ишлатилади:

- ТИФ ТН коди 8418690009 бўлган хўжалик музлатгичи товарини саноатда ишлатиладиган музлатгич товарига алмаштириб имтиёз олиши ёки акциз солиғи тўламаслиги;

- ТИФ ТН коди 8508600000 бўлган маиший чангютгич товарини саноатда ишлатиладиган чангторггичга алмаштириб имтиёз олиши;

- ТИФ ТН коди 8426200000 бўлган минора кранларининг 20 тн. гача кўп юк кўтарадиганига алмаштирилиши;

- ТИФ ТН коди 3506 бўлган тайёр елим товарларининг импорт божхона божи ставкалари алмаштирилиши;

Товарларга нисбатан хавф индикаторлари ишлаб чиқилиб хавф профили қаторига киритиш зарур. Божхона расмийлаштируви жараёнида қўйидаги хавфни минималлаштириш чоралари кўрилиши лозим:

- божхона кўригини амалга ошириш;
- илова қилинган ҳужжатларни амалда импорт бўлган товарларга мослигини текшириш;
- АВ-2436 рўйхатига кирадиган товарларни техник паспортини текшириш ва ишлаб чиқарилган йилига, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ўхшаши бўлмаганига аниқлик киритиш лозим;
- импорт божхона божи ва акциз солиғи ставкалари тўғрилигига аниқлик киритиш керак.

2010-2019 йиллар давомида божхона органлари томонидан давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари ва ТИФ қатнашчиларига божхона тўловларидан берилган имтиёзларни 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2010-2019 йилларда тақдим этилган имтиёзлар ва ундирилган божхона тўловлари таҳлили*

Йил	Ҳисобланган божхона тўловлари, %да	Берилган имтиёзлар улуши, %да	Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари улуши, %да
2010	100	70,2	29,8
2011	100	68,7	31,3
2012	100	67,6	32,4
2013	100	69,9	30,1
2014	100	67,4	32,6
2015	100	65,7	34,3
2016	100	70,4	29,6
2017	100	75,0	25,0
2018	100	80,9	19,1
2019	100	77,7	22,3

*Манба: ДБҚ электрон маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, 2019 йилда мамлакатимизда ТИФ қатнашчиларига божхона тўловларидан берилаётган имтиёзлар 59,75 трлн. сўмни, давлат бюджетига ўтказилган маблағларлар ҳажми 17,13 трлн. сўмни ташкил қилди ва божхона тўловларидан берилган имтиёзлар давлат бюджетига ўтказилган маблағларлар ҳажмидан 3,5 мартага кўп эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига турли қулайликлар яратиш мақсадида ва халқаро шартномалар асосида ТИФ қатнашчилари учун божхона тўловларидан имтиёзлар ва преференциялар тақдим қилинмоқда ҳамда ушбу миқдорлар ҳажми йилдан йилга ошиб бораётганлиги мазкур жадвалда кўрсатилган. Бунинг оқибатида божхона тўловларидан берилаётган имтиёзларни ТИФ қатнашчилари томонидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш учун инновацион ёндашувларни яратиш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Хусусан, Божхона тўловларидан берилган имтиёзларни назорат қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 августдаги "Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланилишини камерал назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 617-сонли Қарори қабул қилинган.

Мазкур Низом билан божхона ва солиқ хизмати томонидан камерал тартибда назорат қилиш жараёни кўрсатилган бўлиб, лекин бугунги кунга қадар божхона ва солиқ хизмати экспертларининг фикрича қўшма назорат қилиш тартиби тўлиқ ўз фаолиятини амалга оширгани йўқ.

Ушбу Низомнинг тўлиқ ишламаслигига таъсир қилувчи омиллардан бири ташкилий масаласида вужудга келаётган муаммоларга боғлиқ. Жумладан, Ушбу Низомда божхона тўловларидан берилган имтиёзларни фақат камерал ҳолда назорат қилиш тартиби берилган бўлиб, сайёр ҳолда яъни ТИФ субъектининг фаолият ҳудудига бориб

текшириш тартиби кўзда тутилмаган. Бу жараён эса божхона тўловларидан берилган имтиёзларни тўлиқ назорат қилишга тўсқинлик қилади. Булардан ташқари мазкур Низом халқаро тажрибада божхона тўловларидан берилган имтиёзларни назорат қилувчи божхона аудити механизми талабларига мос келмайди.

Шунингдек, божхона органларининг усувор вазибаларидан бири давлат бюджетига божхона тўловларини тўлиқ ундирилишини таъминлаш ва назорат қилишдан иборат. Мазкур қарорда божхона тўловларига таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳисобга олинмаган. Хусусан, божхона қиймати, ТИФ товарлар номенклатураси коди, қонун ҳужжатларида берилган таъқиқ ва чекловларни текшириш тартиби назарда тутилмаган.

Бугунги кунда берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланилишини тўлиқ назорат қилиш ва давлат бюджетига божхона тўловларини ошириш учун халқаро тажрибада кенг қўлланилаётган божхона аудити механизмини миллий божхона амалиётида татбиқ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Республикамизда божхона тўловларини ундириш ва ундан берилган имтиёзларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг салмоғи божхона тўловларининг турлари ва имтиёзлари, вилоятлар, товарларнинг турлари ва корхоналар бўйича фарқ қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундиришда қуйидаги камчиликлар (Пардаев ва Шадманкулов, 2017):

- божхона тўловларидан берилаётган имтиёзларнинг нотўғри қўлланилиши;
- товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи сертификатлар белгиланган тартиб талаблари асосида тақдим этилмаслиги;
- божхона қийматини нотўғри белгиланиши;
- товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига хос кодларини нотўғри белгиланиши;
- товарларни миқдорини кам кўрсатиш ёки беркитиш ҳолатлари учраб турибди.

Қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини келиб чиқиш сабаблари ҳам мавжуд. Божхона органларида 2014-2019 йилларда қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини келиб чиқиш сабаблари таркибида асосини имтиёзларни нотўғри қўлланилиши ташкил этади. Бу йилларда ушбу кўраткич 50-60 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4848 сон Фармонининг қабул қилиниши тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлашдаги навбатдаги қадам бўлди десак муболаға бўлмайди.

Фармонга кўра 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб режадан ташқари текширишларнинг ҳамда жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди.

Бу ўз навбатида тадбиркорлик субъектларининг берилган имтиёзлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш механизмининг содда ва самарали усулларини жорий этиш орқали давлатимиз томонидан берилаётган бундай имтиёзлардан мақсадли фойдаланилишини ҳамда ички бозордаги соғлом рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4848-сон Фармони талабларидан келиб чиқиб, келгусида божхона тўловларидан берилган имтиёзларнинг мақсадли ишлатилишини тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашувларсиз, самарали назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Фармонда бундай назоратлар фақатгина тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Шу ўринда камерал назорат тушунчасига тўхталиб ўтсак: Камерал назорат бу – назорат қилишнинг соддалашган механизми бўлиб, солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботи, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлили асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қўшимча манбалар ҳисобидаги тушумда камерал назоратнинг улуши.

У кўрсаткичлардан биз ҳали ҳам солиқ тўловчи юридик шахсларнинг солиқ маданияти тўлиқ шаклланмаганлигини ва нотўғри маълумотлар тақдим этиш ҳолатлари учраётганлигини англашимиз мумкин.

Айтиб ўтганимиздек ҳозирги кунда божхона органлари электрон ахборот дастурларидан кенг фойдаланиб келмоқда, шу ўринда, давлатимиз томонидан тадбиркорларга берилаётган имтиёзлардан мақсадли фойдаланилишини ҳамда ички бозорда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун келгусида божхона, солиқ, банк, статистика ва бошқа мутасадди идоралар билан биргаликда идоралараро маълумот алмашишга мўлжалланган дастурларни йўлга қўйиш орқали камерал назоратнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умуман олганда божхона тўловларини ундириш, уларни қўлланилишини такомиллаштириш ҳамда унинг иқтисодий аҳамиятини янада ошириш, жумладан мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни тезлаштириш, чет эллик инвестрларни жалб қилишни янада рағбатлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

5. Хулоса ва таклифлар.

Юқорида олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

– янги қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда божхона тўловларидан имтиёз бериш механизмини такомиллаштириб бориш, жумладан уларда божхона тўловларининг турини, товарларни ТИФ ТН код рақамини, миқдорини, қийматини, амал қилиш муддатини ва товарларни ишлаб чиқарган давлатини аниқ кўрсатиш;

– ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни режалаштиришда, минтақаларни иқтисодий жиҳатдан тенг ривожланишини таъминлаш мақсадида, уларнинг иқтисодий ва ресурслар салоҳиятини, ўзига хос хусусиятларини алоҳида ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ривожлантириш дастурларига;

– ташқи савдо қатнашчиларига божхона тўловларидан имтиёз бериш ҳисобидан шаклланган маблағларини Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда мақсадли ишлатилишини назорат қилиш бўйича доимий мониторинг олиб бориш;

Юқоридаги таклифларни инobatга олган ҳолда мазкур йўналиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш орқали мамлакатимизда иқтисодиётни реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга, божхона тўловларини тўлиқ ундириш ва қўлланилаётган имтиёзлардан мақсадли фойдаланилишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, имтиёзларнинг индивидуал тартибда берилишига йўл қўймаслик мақсадида уларни мақбуллаштиришни, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ўртасида монополияни йўқ қилиш, улар ўртасида адолатли рақобат муҳитини шакллантириш назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни янада ривожлантиришни талаб этади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Гулямов С., Маккамов З., Пардаев Т. (2016) Қўшимча ҳисобланган божхона тўловларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш чоралари. Ўқув-услубий қўлланма. Т. (Gulyamov S., Makkamov Z., Pardaev T. (2016) Reasons for the occurrence of additional accrued customs duties and measures to prevent them. Educational-methodical manual. Т.)

Пардаев Т., Шадманкулов А. (2017) Божхона тарифлари ва тўловлари. Дарслик. – Т.: Тафаккур қаноти. (Paradaev T., Shadmankulov A. (2017) Customs Tariffs and Fees. Textbook. –Т.: The wing of thinking.)

Пардаев Т., Суюнов А., Шадманкулов А. (2016) Божхона қиймати. Дарслик. / Тошкент: «Янги аср авлоди». Б.15. (Paradaev T., Suyunov A., Shadmankulov A. (2016) Customs value. Textbook. / Tashkent: "New Century Generation". 15 pages.)

Рудакова Е.Н. (2015) К вопросу о формировании системы критериев и показателей оценки эффективности деятельности таможенных органов Российской Федерации // Вестник МГОУ. Москва. №3. (Rudakova E.N. (2015) On the formation of a

system of criteria and indicators for assessing the effectiveness of the customs authorities of the Russian Federation //MGOU Bulletin. Moscow. Number 3.)

Турдиев Б. (2014) Божхона тўловлари ва божхона қиймати. Амалий қўлланма. Тошкент: Б.33. (Turdiev B. (2014) Customs Duties and Customs Value. Practical guide. Tashkent: 33 pages.)

Фармон (2016) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-4848 сон. (Decree (2016) of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures to ensure the rapid development of entrepreneurial activity, comprehensive protection of private property and improving the quality of the business environment" No. PD-4848.)

Фармон (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5755-сон. (Decree (2019) No. PD-5755 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further regulate the provision of tax and customs benefits.")

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3756-сон. (Resolution (2018) No. PR-3756 of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically improve the procedure for granting benefits and preferences.")

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида" ПҚ-4086-сонли Қарори.(Resolution (2018) Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PR-4086 "On the forecast of key macroeconomic indicators and parameters of the state budget of the Republic of Uzbekistan for 2019 and budget targets for 2020-2021.")

Қарор (2018) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Берилган божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланилишини камерал назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ва давлат божхона қўмитасининг ўзаро ҳамкорлиги механизми тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 617-сон. (Resolution (61) of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On approval of the Regulation on the mechanism of cooperation between the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan and the State Customs Committee on in-house control over the targeted use of customs benefits" No. 617.)